



НИКОҲ ШАРТНОМАНИ БИЛАСИЗМИ?

Сайфиддинова Зухро Меҳриддин қизи
Тошкент давлат юридик университети
“Спорт ҳуқуқи” йўналиши магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20337931>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 18-may 2026 yil
Ma'qullandi: 20-may 2026 yil
Nashr qilindi: 22-may 2026 yil

KEYWORDS

Никоҳ шартномаси,
Ўзбекистон Республикаси
Оила кодекси, мулк
ҳуқуқлар, ҳуқуқий табиат,
шартномавий тартиб, эр-
хотиннинг келишуви,
нотариал тасдиқлаш.

ABSTRACT

Ушбу мақола никоҳ шартномаси тушунчасига оид ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ва назарий қарашларини ўрганади ҳамда никоҳ шартномасининг муаллифлик таърифини ишлаб чиқади. Мақолада Ўзбекистон қонунчилиги доирасида никоҳ шартномасининг ҳуқуқий табиати, тузилиш тартиби ва мазмуни таҳлил қилинади. Тадқиқот никоҳ шартномаси тузмоқчи бўлган ёш жупликлар, амалиётчи юристлар ва ҳуқуқшунослик соҳасида таҳсил олаётган талабалар учун амалий аҳамият касб этади.

Бугунги шиддатли глобаллашув ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар даврида оила институти нафақат маънавий-ахлоқий қадриятлар мажмуаси, балки ўзига хос мураккаб ҳуқуқий-мулкий муносабатлар майдони сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Шу сабабли, никоҳ қураётган жупликлар олдида нафақат ҳиссий боғлиқликни асраш, балки келажакдаги эҳтимолий мулкий зиддиятларнинг олдини олиш ва оиланинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш масаласи стратегик аҳамият касб этмоқда. Кўпинча жамиятимизда «ишончсизлик рамзи» ёки «севишганлар ўртасидаги тижорат» сифатида нотўғри талқин қилинадиган никоҳ шартномаси, аслида, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамловчи, эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқларини шаффофлаштирувчи замонавий ҳуқуқий инструментдир.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида ўз аксини топган ушбу институт, халқаро тажриба ва миллий менталитетимизнинг ўзига хос синтези сифатида шаклланиб бормоқда. Никоҳ шартномаси — бу ҳиссиётлардан воз кечиш эмас, балки оилавий ҳаётга масъулият билан ёндашиш ва уни ҳуқуқий даражага кўтариш демакдир. У фақатгина юқори даромадли қатламнинг имтиёзи эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ўз мулкий манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, оила бюджетини оқилона режалаштириш ва агар зарурат туғилса, низоларни судсиз, маданиятли тарзда ҳал этиш кафолатидир.

Ушбу мақолада биз никоҳ шартномасининг ҳуқуқий табиатини чуқур таҳлил қилиш баробарида, унинг оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги ролини кўриб чиқамиз. Шунингдек, мазкур

соҳадаги хорижий тажриба, хусусан, Германия, Франция, Россия ва АҚШ мамлакатларидаги шартномавий муносабатларнинг тарихий эволюцияси ҳамда миллий қонунчилигимиздаги ўзига хос жиҳатлар илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилади. Мақоланинг асосий мақсади — жамиятда никоҳ шартномасига нисбатан шаклланган стереотипларни илмий асослар билан ўзгартириш ва оилада ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган таклифларни илгари суришдан иборат.

Профессор М.В. Антокольская таъкидлаганидек, никоҳ шартномаси эр-хотинга ўз мулкӣ муносабатларини қонун ҳужжатларида белгиланган умумий тартибдан фарқли равишда, шахсий манфаатлари асосида шакллантириш имкониятини беради. Бу эса оилада иқтисодий мустақиллик ва ўзаро масъулиятни оширади¹.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олим Х.Ҳ.Сайдивалиеванинг фикрича, Никоҳ шартномасининг комплекс характери унинг эр-хотиннинг мулкӣ режимини белгилаш ва ўзгартириш, шунингдек, томонларнинг бир-бирини моддий жиҳатдан таъминлаш шартларини муайянлаштириш каби бир нечта ҳуқуқий вазифани бир вақтнинг ўзида қамраб олиши билан изоҳланади”, деб таъриф берган².

Никоҳ шартномаси — бу эр-хотин ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Бу институт оилавий ҳуқуқ доирасида шаклланиб, айниқса хусусий мулкчилик муносабатларининг ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда тараққий этган. Никоҳ шартномасининг ҳуқуқий моҳияти, функцияси ва татбиқи замонлар оша ўзгариб, бугунги кунда кўплаб мамлакатларда эркин шартнома тузиш принципи асосида ривожланмоқда. Мазкур институтнинг тарихий илдизлари қадимий давргача бориб тақалади, унинг замонавий шакллари эса фуқаролик ҳуқуқи ва оилавий ҳуқуқ нормаларининг интеграцияси сифатида қаралади.

Умумий хулоса қилиб айтадиган бўлсак, никоҳ шартномаси фақат ажралиш жараёнида аҳамият касб этади, деган кенг тарқалган хулосага қўшилиш мумкин эмас. Бизнингча, никоҳ шартномаси — бу эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини никоҳ давомида, никоҳ тугагандан сўнг ҳамда оилавий муносабатлар доирасида комплекс тартибда ҳимоя қилувчи ҳуқуқий механизм. Ушбу шартнома эркак ва аёлнинг мулкӣ ҳуқуқларини тенг асосда мустақамлаш орқали оилавий муносабатларда иқтисодий адолатни таъминлайди.

Ўзбекистонда никоҳ шартномаси институти мустақилликдан сўнг шаклланган ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида юзага келди. Совет даврида оилавий мулкӣ муносабатлар давлат томонидан қатъий тартибга солинар, хусусий мулкчилик чекланганлиги сабабли никоҳ шартномасига эҳтиёж сезилмас эди. Мустақиллик қўлга киритилгач, бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтиш ва хусусий мулкчиликнинг кенг ривожланиши оилавий мулкӣ муносабатларни янгича ҳуқуқий асосда тартибга солишни тақозо этди. Айнан шу заруратдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига никоҳ шартномасига оид нормалар киритилди ва бу институт миллий қонунчилигимизда ўз ўрнини топди.

¹ Антокольская М. В. Семейное право: Учебник. — М.: Юристъ, 2002.

² Х.Ҳ.Сайдивалиева “Оилавий муносабатларини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш доирасида Юридик фанлари доктори (DC) даржасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент 2025.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси никоҳ шартномасини тартибга солувчи махсус нормаларни ўз ичига олади. Хусусан, Оила кодексига кўра, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади³.

Шунга қарамай, жамиятда бугунги кунга қадар никоҳ шартномасига нисбатан нотўғри тасаввурлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, кўпчилик инсонлар онгида никоҳ шартномаси фақат ажралишни режалаштираётган жуфтликлар томонидан тузилади, деган стереотип мавжуд. Бироқ бундай қараш мазкур институтнинг ҳуқуқӣ моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Зеро, Оила кодексига бошқа бир моддадан келиб чиқадики, никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, никоҳ давомида ҳам тузилиши мумкин. Бу эса ушбу шартноманинг мақсади ажралишга тайёргарлик кўриш эмас, балки оилавий муносабатларда ҳуқуқӣ аниқлик ва иқтисодӣ барқарорликни таъминлашдан иборат эканлигини яққол кўрсатади. Жамиятда яна бир нотўғри тасаввур мавжуд — никоҳ шартномаси фақат бой ва нуфузли оилаларга керак, деган қараш. Аслида эса бу тамомила хато хулоса. Никоҳ шартномаси мол-мулкнинг кўп ёки озлигидан қатъи назар, ҳар қандай оила учун муҳим ҳуқуқӣ восита ҳисобланади. Чунки масала пул миқдорида эмас, балки ҳуқуқӣ ҳимояда. Кичик бир квартира ёки оилавий бизнеснинг тақдири ҳам йирик мол-мулк каби низога сабаб бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун никоҳ шартномаси жамиятнинг барча қатламлари учун бирдай аҳамиятга эга.

Хўш, никоҳ шартномаси нима учун керак? Бу саволга жавоб бериш учун оиладаги муносабатлар нечоғли мураккаб эканини тушуниш лозим. Никоҳ шартномаси, аввало, эр-хотин ўртасидаги мулкӣ муносабатларга аниқлик киритади ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади. Иккинчидан, у ҳар икки томоннинг ҳуқуқларини тенг асосда ҳимоя қилади — на эр, на хотин ҳуқуқӣ жиҳатдан заиф аҳволда қолмайди. Учинчидан, шартнома оилада молиявий шаффоликни таъминлайди, яъни ким нимага масъул, ким нимага ҳақли эканлиги олдиндан белгиланади. Тўртинчидан эса у оилани ташқи молиявий хавф-хатарлардан — масалан, томонлардан бирининг қарзларидан — ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасида никоҳ шартномасини тузиш аниқ ҳуқуқӣ тартибга солинган бўлиб, бу жараён бир нечта мажбурий босқичларни ўз ичига олади. Қонунчиликда белгиланган талабларга кўра, шартнома фақат ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши шарт — акс ҳолда у ҳуқуқӣ кучга эга бўлмайди⁴. Бу талаб шартноманинг ишончилигини таъминлаш ва томонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланган.

Никоҳланувчи шахслар ёки эр-хотин нотариал идорага бевосита мурожаат қилишлари ёхуд "E-notarius.uz" ахборот портали орқали электрон тарзда мурожаат қилишлари мумкин. 2025-йил 30-декабрдаги Низомга кўра, шартнома нотариал идора биносида, видеоконференцалоқа орқали ёки сайёр тартибда расмийлаштирилиши

³ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. — Т.: 1998. — 29-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2025-йил 30-декабрдаги 33-мх-сон буйруғига илова. Нотариуслар томонидан никоҳ шартномаларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом. — Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 2026-йил 5-январ, рўйхат рақами 3743.

мумкин. Нотариус томонидан томонларнинг шахси биометрик маълумотлар — бармоқ изи ва Face-ID орқали тасдиқланади, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли талаб қилинмайди. Шунингдек, нотариус томонлар ўртасида никоҳ қайд этилган ёки қайд этилмаганлигини, томонлардан бирининг бошқа шахс билан никоҳда эмаслигини ва илгари никоҳ шартномаси тузилмаганлигини Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларининг ягона электрон архиви орқали мустақил равишда текширади. Муҳим жиҳат шундаки, шартнома вакил орқали тузилиши мутлақо мумкин эмас — томонларнинг ўзлари иштирок этишлари мажбурий.

Шартнома никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилган бўлса, у никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Никоҳ қайд этилмаган тақдирда эса шартнома юридик оқибатлар келтириб чиқармайди ва уни алоҳида бекор қилиш талаб этилмайди деб белгилаб қўйилди кодекснинг махсус нормаларида. Пчелинцева Л.М. таъкидлаганидек, никоҳ шартномасининг кучга кириши никоҳнинг расмий қайд этилиши билан бевосита боғлиқлиги унинг оилавий ҳуқуқдаги ўзига хос табиатини белгилайди⁵.

Никоҳ шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш масаласида Антокольская М.В. шуни қайд этадики, шартнома тузилиш шакли қандай бўлса, уни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳам айнан шундай шаклда, яъни нотариал тартибда амалга оширилиши лозим⁶. Ўзбекистон Оила кодексига кўра, шартнома эр-хотиннинг ўзаро келишуви асосида истаган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Томонлар келишувга эришолмаган тақдирда эса шартнома Фуқаролик кодексига белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (ЎЗР Оила кодекси, 32-модда). Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб шартноманинг амал қилиши ҳам тугайди, никоҳдан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно.

Никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш масаласида Низамиева О.Н. шуни таъкидлайдики, шартноманинг ҳақиқий эмаслиги фақат суд томонидан аниқланиши мумкин бўлиб, бу эр-хотиндан бирини ўзбошимчалик билан шартномани инкор этишдан ҳимоя қилувчи муҳим кафолат ҳисобланади⁷. Ўзбекистон Оила кодексига кўра, никоҳ шартномаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Хусусан, агар шартнома шартлари томонлардан бирини ўта ноқулай аҳволга солиб қўйса, болаларнинг манфаатларига путур етказса, томонларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чекласа ёки умуман қонун нормаларига зид келса, суд бундай шартномани ёки унинг айрим қоидаларини ҳақиқий эмас деб топишга ҳақли.

Умумий қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқи тизимида никоҳ шартномаси институти шаклланиб улгурган бўлса-да, унинг мазмун-моҳияти ҳали-ҳануз фақатгина тор доирадаги мулкӣ муносабатлар билан чекланиб қолмоқда. Хусусан, Оила кодексининг 31-моддасида никоҳ шартномасининг предмети сифатида истисносиз равишда эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Бироқ, амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, оиланинг мустаҳкамлиги фақатгина моддий

⁵ Пчелинцева Л.М. Семейное право России: Учебник. — М.: Норма, 2004.

⁶ Антокольская М.В. Семейное право: Учебник. — М.: Юристъ, 2002

⁷ Низамиева О.Н. Договорное регулирование имущественных отношений в семье. — Казань, 2005

асосларга эмас, балки биринчи навбатда эр-хотин ўртасидаги маънавий-руҳий масъулиятга таянади.

Бугунги кундаги асосий муаммо шундаки, никоҳ шартномаси жамият онгида фақатгина «мулк тақсимлаш» воситаси сифатида қабул қилинмоқда. Ваҳоланки, оилавий низоларнинг аксарияти маънавий емирилиш ва ўзаро мажбуриятларнинг (руҳий қўллаб-қувватлаш, ҳурмат, оиладаги ахлоқий муҳит) ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаганлиги сабабли келиб чиқмоқда.

Шу боис, миллий қонунчилигимизни ислоҳ қилиш доирасида қуйидаги концептуал таклифни илгари сурамиз:

Оила кодексининг тегишли нормаларига никоҳ шартномаси орқали эр-хотиннинг бир-бирига маънавий ва руҳий кўмак бериш мажбуриятларини (номулкий шартларни) киритиш имкониятини қонуний мустаҳкамлаш лозим.

Бизнингча, мазкур норманинг киритилиши никоҳ шартномасини шунчаки иқтисодий ҳужжатдан оилавий қадриятларни ҳимоя қилувчи «маънавий-ҳуқуқий кафолат» даражасига кўтарди. Бунда шартнома нафақат ажралиш ҳолатидаги моддий манфаатларни, балки никоҳ давомидаги ахлоқий масъулиятни ҳам тартибга солувчи муҳим ижтимоий институтга айланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш ўринлики, никоҳ шартномаси тушунчаси, унинг юридик мазмуни ва мақсадини ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида қуйидаги муҳим хулосаларга келинди:

- **Биринчидан**, никоҳ шартномаси — бу шунчаки мулк келишув эмас, балки оилавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган юридик механизмдир. Унинг концептуал негизида “мулк иштироқлардан кўра олдиндан келишилган ҳуқуқий аниқликнинг устуворлиги” ётади;
- **Иккинчидан**, мазкур институт ҳуқуқий жиҳатдан эр ва хотиннинг мулк эркинлигини таъминловчи восита, ижтимоий жиҳатдан эса никоҳдан ажралиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган низоларни минималлаштириш чорасидир;
- **Учинчидан**, никоҳ шартномасининг муваффақиятли амал қилиши учун нафақат нотариал тасдиқлаш, балки томонларнинг ҳуқуқий онги ва заиф томоннинг (масалан, бола тарбияси билан банд бўлган тарафнинг) манфаатларини ҳимоя қилувчи мустаҳкам қонунчилик базаси зарур. Глобал миқёсда ушбу институт турлича қабул қилинса-да, замонавий ҳуқуқ тизимида уни мажбурият эмас, балки оила фаровонлигини ҳимоя қилувчи ихтиёрий имконият сифатида кўриш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, никоҳ шартномаси тушунчасига қуйидагича **муаллифлик таърифи** ишлаб чиқилди:

Никоҳ шартномаси – бу никоҳланувчи шахслар ёки эр-хотин ўртасида тузилган, ихтиёрийлик ва ўзаро ишонч тамойилларига асосланган, никоҳда бўлган даврда ва (ёки) у бекор қилинган тақдирда эр-хотиннинг мулк ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи, шунингдек, оилавий муносабатларнинг моддий асосларини тартибга солувчи махсус ҳуқуқий мақомга эга бўлган юридик келишувдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Антокольская М.В. Семейное право: Учебник. — М.: Юристъ, 2002. — 336 б.

2. Х.Х.Сайдивалиева. "Оилавий муносабатларини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш". Юридик фанлари доктори (ДС) даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Тошкент: ТДЮУ, 2025.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. — Тошкент: Адолат, 1998. — 29, 31, 32-моддалар.
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2025-йил 30-декабрдаги 33-мх-сон буйруғига илова. Нотариуслар томонидан никоҳ шартномаларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом. — Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 2026-йил 5-январ, рўйхат рақами 3743.
5. Пчелинцева Л.М. Семейное право России: Учебник для вузов. — М.: Норма, 2004. — 688 б.
6. Низамиева О.Н. Договорное регулирование имущественных отношений в семье. — Казань: Центр инновационных технологий, 2005. — 216 б.
7. Нечаева А.М. Семейное право: актуальные проблемы теории и практики. — М.: Юрайт, 2011. — 285 б.
8. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Общие положения. — М.: Статут, 2001. — 848 б.
9. Беспалов Ю.Ф. Семейные отношения и семейные споры в практике судов РФ. — М.: Проспект, 2017. — 240 б.

INNOVATIVE
ACADEMY